

У 374.
Ш 22

Зарофат ШАМУРАТОВА

Логопедия

меъёрий талаффузга
ўргатиш



ДАДА

ОНА

МЕН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЗАРОФАТ ШАМУРАТОВА

ЛОГОПЕДИЯ

*МЕЪЁРИЙ ТАЛАФФУЗГА
ЎРГАТИШ*

Тошкент
“NISO POLIGRAF”
2012

УДК 376.37

Шамуратова, Зарофат

Логопедия: меъёрий талаффузга ургатиш. / З.Шамуратова: Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги. — Тошкент: Niso poligraf, 2012. —200 б.

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистонда миллий логопедия фанининг назарий асосларини яратган, фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган олимларнинг илмий изланишлари ва шу соҳа вакиллари олиб бораётган назарий ҳамда амалий билимлари натижасига асосланган. Боланинг нутқи унинг ёшига мос, ҳар томонлама меъёردа ривожланишига аҳамият бериш ва камчиликларини бартараф этиш, масъулиятни ҳис этган ҳолда мавжуд қонун ва дастурлардаги талаб ва тақлифлар асосида, назарий билимларни амалётда қўллаш натижасида қуйидаги услубий қўлланмани амалиётда фанолият олиб бораётган, азиз ҳамкасбларимиз эътиборига ҳавола этамиз. Шунингдек ёш мутахассисларимизнинг назарий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлайди, деган умиддамиз.

УДК 376.37
КБК 74.3 (59)
Ш 21

*Педагогика фанлари номзоди,
профессор М.Ю.АЮПОВА тахрири остида*

Тақризчилар:

Д А НУРКЕЛДИЕВА, педагогика фанлари номзоди, доцент

Ҳ.Ж.КАЛБАЕВА, РТМ махсус таълим булими бош методисти

Ш.Ш.БОЛТАЕВА, 560-махсус МТМ логопеди


Мазкур қўлланма 2012 йида Республика таълим маркази махсус таълим илмий методик кенгашининг 2-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилди.

Муаллиф рухсатисиз китобдан кўчириб босиш ман этилади.

Гувоҳнома № 3283 email: zaromax@mail.ru

Телефон: +99890-978-93-47, +99871-277-05-51

ISBN 978-9943-40462-8



© Зарофат Шамуратова, 2012.
NISO POLIGRAF. 2012.

МУАЛЛИФДАН

Давлатимиз келажаги – бугунги кун ёшларидир. Юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар, амалга оширилаётган дастурларнинг барчасида ёш авлоднинг таълим-тарбияси билан боглиқ масалаларга қаратилмоқда. Келажагимиз эгалари фарзандларимиз, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ривожланишида, ҳукуматимиз томонидан “Таълим тугрисидаги қонун” қабул қилиниши, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Махсус таълим концепцияси”, улар асосида вужудга келган “Болажон” таянч дастури фикримиз далилидир.

Ўзбекистонда миллий логопедия фанининг назарий асосларини яратган, фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан педагогика фанлари доктори, профессор – Ў.Р. Муминов, педагогика фанлари номзоди, профессор – Р.Ш. Шомахмудова, педагогика фанлари номзоди, ТДПУ профессори – М.Ю. Аюпова, педагогика фанлари номзоди, ТДПУ профессори – В.С. Раҳмонова, педагогика фанлари номзоди – Д.А. Нуркелдиева ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижаси ва шу соҳа олимларининг олиб бораётган назарий билимларига асосланиб боланинг нутқи унинг ёшига мос, ҳар томонлама меъёردа ривожланишига аҳамият бериш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, масъулиятни ҳис этган ҳолда, юқоридаги қонун ва дастурлардаги талаб ва тақлифлар асосида, назарий билимларни амалиётда қўллаш натижасида қуйидаги методик қўлланмани амалиётда фаолият олиб бораётган азиз ҳамкасбларимиз эътиборига ҳавола этамиз. Қўлланма уч бобдан иборат бўлиб:

Биринчи бобда товуш ҳақида тушунча, товушларни сузларда мустаҳкамлаш, меъёр ҳосил қилиш жараёнига қўйиладиган талаблар, нутқ аппарати камчиликлари, умумий артикуляция машқлари ва зондлардан фойдаланиш берилган.

Иккинчи бобда меъёрий талаффуз, нотугри талаффуз турлари ва меъёр ҳосил қилиш усуллари; меъёрда ҳосил бўлган товушни бугинларда ва сузларда мустаҳкамлаш, луғатни бойитиш учун махсус материаллар берилган.

Учинчи бобда меъёردа ҳосил булган нутқни фаоллаштириш учун мўлжалланган қўшимча материаллар берилган.

Логопедия фанининг биргина йўналиши булган, товушларнинг меъёрий талаффузи юзасидан методик курсатмалар тавсия этилган. Мазкур қўлланмада назаримиздан четда қолган масалалар булиши мумкин. Шу боис, билдиражак самимий маслаҳат ва таклифларингизни мамнуният билан қабул қиламиз ва келгуси ишларимизда албатта, инобатга оламиз.

1 БОБ

ТОВУШ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Табиий кузга қуришмас ҳолатларни биз ҳис қилишга ҳаракат қиламиз. Товуш ҳам қуришмас бўлиб, эшитиш, тушуниш яъни англаш ва ҳис қилиш орқали ҳаётимизда мавжуд. Биз нутқ орқали хоҳиш ва мақсадларимизни, уз фикр мулоҳазаларимизни узгаларга етказамиз ва жамиятда уз урнимизни топамиз. Шаклланмаган нутқ инсон шахсининг тулиқ ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ҳар бир товушнинг алоҳида уз меъери мавжуд бўлиб, меъерига етказмасдан талаффуз қилинган ҳар қандай нотўғри товушни тингловчи аниқ пайқайди. Товушларнинг нотўғри талаффузи натижасида гап мазмунини узгариб кетади, сузловчининг мақсадини тингловчи тушунмаслиги мумкин. Товушларнинг меъёрдаги талаффузи ҳаётимизда муҳим урин эгаллайди.

Ҳар бир фонемани яъни товушни алоҳида талаффуз қилиш учун лаб, тиш, тил, жағ, буғиз, овоз унпайчалари ва упкадан чиқаётган ҳаво оқимининг уз меъери бўлиб, ҳар бир товуш талаффузининг узига хос ҳаракати натижасида вужудга келади.

Ёш болалар ривожланиб ва шаклланиб борар экан шу жумладан, уларда товушларни талаффузи ҳам шаклланади. Ҳар қандай бола биринчи сузини ноаниқ, баъзи товушлар урнига бошқасини қўлаб илк бора атрофдагиларга мурожаат қилади. Кундан-кунга тўғри нутқни узлаштирган бола меъёрда 4,5-5 ёшга етганида нутқи тулиқ ривожланган ҳисобланади. Ушбу ёшгача бўлган боладаги нотўғри талаффузни фақат тақлид орқали ривожлантириши зарур. Чунки 2,5 – 3 – 4 ёшли боладаги нотўғри талаффузнинг асосий сабаби анатомик усиб ривожланмаганлик бўлиши мумкин. Яъни тил мускулларининг шаклланмаганлиги, жағ тишларининг усмаганлиги, лабларни керакли ҳолатга келтира олмаслик вақтинчалик сабаб бўлиб, бола уз ривожланиши жараёнида меъёрга келиши учун тақлид усулидан фойдаланиш кифоя.

Нутқ камчиликларини услубий меъёрга келтириш 5 ёшдан бошланади. Аммо эшитиш қобилияти меъёрда бўлганда, нутқ

аппаратида жисмоний камчиликлари бўлганда ишни эртароқ бошлаш мумкин. Масалан реноламияда.

МЕЪЁРИЙ ТАЛАФФУЗГА ЎРГАТИШ БОСҚИЧЛАРИ

1. Болаларни меъёрий талаффузга ўргатиш якка тартибда олиб борилади. Логопед, бола билан узаро ишонч ва иллик муносабатни яратиши зарур. Мутахассисга нисбатан бўлган боладаги ишонч, меъёрий талаффузга ўргатишнинг асоси ҳисобланади. Боланинг толиқиб қолмаслигини таъминлашда машқларни мажбурий бажартирмаслик муҳим.

2. Сунгра нутқ аппаратининг камчиликларини текшириш ва аниқлаш босқичига ўтиш мумкин.

3. Боланинг луғат бойлигини текшириш ва нутқдаги товушлар талаффузини аниқлаш босқичида ҳар бир бола учун шахсий дафтар тутиб, товушлар талаффузидаги камчиликларини белгилаб қуйиш, олиб борилаётган иш жараёнини дафтарга қайт этиш зарур. Нотўғри талаффузга сабаб бўлаётган ҳолатларни аниқлаб ишни режаштириш муҳим.

4. Умумий артикуляцион машқлар ичидан бола нутқида ҳосил қилиниши керак бўлган товуш учун меъёрий талаффузни талаб қиладиган тил, лаб, тиш ҳолатлари ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда танлаш босқичида ҳар бир болага индивидуал ёндашиш керак.

5. Махсус машқлар ва керакли усулларни қўллаш йули билан меъёрдаги товуш ҳосил бўлиши натижасида товушни соф ҳолатда узоқ муддат чузиб талаффуз қилиш босқичига утилади.

6. Соф ҳолатдаги товушни унли товуш билан қўшиб талаффуз қилиш босқичи бир нечта машгулотни ўз ичига олади.

7. Товушларни сузларда мустаҳкамлаш босқичига алоҳида аҳамият бериш зарур. Бола нутқида “З” товушини меъёрий ҳосил қилинса-ю “Л” ва “Р” товушлари талаффузи бузилган бўлса, “З” товушини луғатда мустаҳкамлаш учун сузлар танланганда “Л” ва “Р” товуши иштирокидаги сузлар вақтинчалик болага берилмайди. Масалан: зар, зулук, зилзила, зум-

рат, зира. Бола луғатда мустаҳкамланаётган суз соф талаффузни талаб қилади. “Л” ва “Р” товушларни меъёрга келтиргандан сунг ушбу говушлар иштирокидаги сузлар луғатда мустаҳкамланади. Бундай талаб барча говушларга тааллуқли. Бола луғатда мустаҳкамланаётган говуш суз бошида, суз уртасида ва суз охрида қандай талаффуз қилинишига алоҳида аҳамият бериб борилади.

8. Жумла ва гаплар, қофияли соф нутқ машқи, тез айтиш, топишмоқ ва шеърлар индивидуал ёндашувни талаб этади.

9. Туғри талаффузни нутқда фаоллаштириш учун нутқ устириш машғулотларидан фойдаланиш мумкин.

МЕЪЁР ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИГА ҚУЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Товушларнинг меъёрий талаффузи устида иш олиб борилганда, мавжуд нутқ бузилишларининг сабаб ва хусусиятларидан қатъи назар, маълум бир говуш талаффузидаги камчилик устида иш олиб борилганда, логопедик тадбир босқичларининг қатъий тартибига амал қилиш зарур.

Бола нутқидаги камчиликларни аниқлаш:

- умумий артикуляция машқларини бажариш;
- нутқда меъёр ҳосил қилиш усуллари устида ишлаш;
- ҳосил булган говушни мустаҳкамлаш, давомли ва аниқ талаффузга эришиш;
- говушни бугинларда, сузларда ва гапларда мустаҳкамлаш;
- дифференциациялаш;
- туғри талаффузни нутқда фаоллаштириш босқичларидан иборат.

Аниқ ва равон талаффузни, ҳосил қилинмаган говушни бугинда ёки сузда мустаҳкамлаш қатъиян ман этилади. Талаффуздаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур.

Бола нутқидаги говушларнинг бир гуруҳи бузилганда шу гуруҳ ичидаги, талаффузи содда булган говушдан иш бошланади. Турли фонетик гуруҳларга оид говушлар талаффузи бу-

зилганда, масалан: сирғалувчи, шовқинли ёки сонор товушларда, ишни сирғалувчи товушлар гуруҳидан бошлаш зарур. Сонор товушлар устида иш олиб борилганда, аввал «Л» товуши, сунгра «Р» товуши устида иш олиб борилади.

ИККИ ТОВУШ БИЛАН ИШЛАШ

Бир вақтнинг узида товуш артикуляцияси бир-бирига яқин булган лаб, тил, ҳаракатланиши таркиби ухшаш товушлар устида иш олиб бориш мумкин. Масалан: «С» ва «З» товушлар устида ишлаш мумкин. Артикуляцион ҳаракатлар бир-бирига зид булганида икки товуш устида иш олиб бориш қатъиян ман этилади. Масалан, бир вақтнинг узида «З» товушини ва «Л» товушини ҳосил қилиш устида иш олиб бориш мумкин эмас. «З» товушини туғри артикуляция қилиш учун тилнинг уртасида «арикча» ҳосил қилиш зарур. «Л» товуши учун тилни тепа тишлар тамон кутариш машқ қилинади. Бу ҳаракатларни болага бир машғулот вақтида машқ қилдириш, зиддиятни юзага келтиради ва товуш ҳосил булишининг умумий тормозланишига олиб келади.

Нафас олиш аъзоларининг кўп кучланишини талаб қилувчи «Ш» ва «Р» товушлари устида, бир машғулотда иш олиб бориш боланинг тез чарчашига, баъзан боши айланишига олиб келиши мумкин. Машғулот вақтида логопед боланинг ҳолатини назорат қилиши ва зарур булганда машғулотни тухтатиши зарур.

Якка тартибда ҳар бир бола билан ҳафтасига 3 тадан 5 гагача машғулот утказилади. Машғулотга ажратилган вақт 10-15 дақиқадан ошмаслиги керак.

Туғри талаффузни шакллантириш устида олиб бориладиган машғулотлар қатъий тартибга солинганда ва мунтазам равишда олиб борилгандагина натижага эришилади.

НУТҚ АППАРАТИ КАМЧИЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА МЕЪЁРГА КЕЛТИРИШ

Нутқдаги нотўғри талаффузнинг асосий сабабларидан бири нутқ аппаратидаги камчиликлар ҳисобланади. Лаб, тиш, тил, жағ, танглай, юмшоқ танглай, овоз, унпайчалари, буғиз ва ниҳоят упкадан чиқаётган ҳаво оқимининг тўғри йуналиши бузилганлиги меъёр ҳосил бўлишида тусқинлик қилади.

Лаб — жарроҳликдан сўнг чандиқ асорати оқибати барта-раф этилмаганда, лабларнинг ҳаракатсизлиги, камчилик ҳисобланади. Лаб машқларини мунтазам бажариш, чандиқ-ларни массаж қилиш билан меъёрга келтирилади.

Тиш — тишларнинг нотекис усиши. 5-6 ёшлик болаларда олд тишларнинг тукилиши, пастки ва юқориги тишларни бир-бирига текис тушмаслиги, нотўғри талаффузга сабаб бўлади. Тиш-даги камчиликлар аниқланганда, ота-онага болани стоматологга курсатиш ва камчилигини даволатиш тавсия этилади.

Тил — тилнинг юмшоқлиги ва катталиги, оғизни тулди-риб туриши ва шуни акси ингичка тил, ҳар доим юқори тишлар томон қутарилган ҳолда бўлиши, тил фалажлиги кам-чиликлари. Қуйида берилган тил машқлари мосини қўллаш билан меъёрга келтирилади.

Тил ости юганчаси — тил ости юганчасининг калгалиги, қаттиқлиги, тилни эркин ҳаракатланишига тусқинлик қили-ши камчилик саналади.

ТИЛ ОСТИ ЮГАНЧАСИНИ ТЕКШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Текшириш турлари ва меъёрий ҳолатга келтириш усуллари

Ҳар қандай нутқи ривожланмаган боланинг, тил ости юган-часи текиширилмасдан, стоматолог хирургга мурожат этиб кестириш қатъиян ман этилади. Тил ости юганчасини кести-риш бола нутқини ривожлантирмайди.

I-усул: Оғиз ва тиш очик ҳолатда тил юқори тишлар го-мон қутарилади. Юганча меъёрида булганда, тил ҳаракатига ҳалақит бермайди, тил остида нозик парда қуринишда бўла-


ди. Тил учи тепа тиш ва милкларга эркин ҳолда тақалиб туради 1-расм (а).

Тил юганчасини асосий текшириш усули: лаблари бир-бирига тегиб турган ҳолда тилни оғиздан ташқарига чиқариб, энгак томон пастга тушириш тавсия этилади. Логопед ҳаракатни узи курсатади ва болага тақлид қилишни таклиф қилади. Бола тилининг ҳаракатини кузатиш орқали аниқланади.



1-куришиш: тил учи ингичка, пастга текис тушиб туради.- Меъёрий ҳолат 1-расм (б).


2-усул: Оғиз ва тиш очиқ ҳолатда тил юқори тишлар томон кутарилади. Юганча таранг тортилиб туради. Бундай кури-ниш юганчасининг бир оз калталиги булиб, тилнинг эркин ҳаракатланишига бироз тўсқинлик қилади. Тил учи тепа тиш ва милкларга куч билан тақалиб туради 2-расм (а).



2-қуриниш: тил учи тумтоқ ҳолатда пастга текис тушиб туради. 2-расм (б).

Логопед болага тоза ювилган бармоқлари билан тил остидаги тортилган юганчасини тебратишни ургатади. Машқни боланинг ўзи бажариши муҳим саналади, юганчани тебратиш натижасида ёқимли ва ёқимсиз ҳолатни ўзи сезиши ва бошқариши муҳим. Логопед иш жараёнини назорат қилади. Машқлар узлуксиз ҳар куни бир маромда юганча меъёрий ҳолатга келгунча давом эттирилади.

3-усул: Оғиз ва тиш очиқ ҳолатда тил юқори тишлар томон кутарилади. Тил остидаги юганча йўғон ва қаттиқ томир қуринишида бўлиб тилни юқори тишлар томон кутарилишини ва эркин ҳаракатланишини чегаралайди. Тил учи тепа тишларга етмайди. Бундай ҳолатда боланинг ота-онасига стоматологга мурожат этиш тавсия этилади 3-расм (а).



3-қуриниш: тил учи оғиздан ташқарига қисман чиқади. Тил остидаги юганча йўғон ва қаттиқ томир қуринишида бўлиб тилнинг эркин ҳаракатланишини чегаралайди. Тил уртаси тортилиб туради, иккига ажралган шакл қуринишида бўлади. Стоматолог аралашувидан сўнг тил машқлари бажарилади ва тилнинг эркин ҳаракатига эришилади 3-расм (б).

Жағ — лунж мускулларининг ривожланмаганлиги нотўғри талаффузга сабаб бўлади. Тил, лаб машқларини бажариш натижасида лунж мускуллари мустаҳкамланади. Машқлар қуйида берилган.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
I БОБ. ТОВУШ ҲАҚИДА ТУШУНЧА	5
Меъёр талаффузига ургатиш босқичлари	6
Меъёр ҳосил қилиш жараёнига қўйилган талаблар	7
Икки товушлар билан ишлаш	8
Нутқ аппарати камчиликларининг аниқлаш ва меъёрга келтириш	9
Тил ости юганчасини текшириш йўллари	9
Умумий артикуляция машқлари	12
Яқунловчи машқ	19
Зондлардан фойдаланиш	19
Зондлар	22
II БОБ. МЕЪЕРИЙ ТАЛАФФУЗ ВА ТАЛАФФУЗ БУЗИЛИШ	
ТУРЛАРИ. СИГМАТИЗМ	23
Сирғалувчи «С» ва «З» товушлари	23
«С» товушининг нотўғри талаффуз турлари	23
«С» товушининг меъерий ҳосил қилиш усуллари	25
Меъёрдаги «С» товушини бугунларда мустаҳкамлаш	31
Меъёрдаги «С» товушини сузларда мустаҳкамлаш	32
«С» товуши иштирокидаги умумий узлаштирилган сузлардан тузилган жумла ва гапларни машқ қилиш	35
Қофияли соф нутқ машқи	35
«С» товушига топшимоқлар	36
«С» товуши иштирокида тез айтиш	37
«С» товуши иштирокида шеърлар	38
«З» товушининг меъёр талаффузи	38
«З» товушининг нотўғри талаффуз турлари	38
«З» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари	40
Меъёрдаги «З» товушини бугунларда мустаҳкамлаш	47
Меъёрдаги «З» товушини сузларда мустаҳкамлаш	47
«З» товуши иштирокидаги умумий узлаштирилган сузлардан тузилган жумла ва гапларни машқ қилиш	51
Қофияли соф нутқ машқи	51

«Ш» — «Ч» — «Ж» товушларини бир бугинда талаффуз қилиниши	87
«Ш» — «Ч» — «Ж» товушларининг бир сузда талаффуз қилиниши	87
Қофияли соф нутқ машқи	87
Сонор «Л» ва «Р» товушлари	88
«Л» товушининг меъёрий талаффузи	88
«Л» товушининг нотугри талаффуз турлари	88
«Л» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	88
Меъёрдаги «Л» товушини бугинларда мустаҳкамлаш	90
Меъёрдаги «Л» товушини сузларда мустаҳкамлаш	90
Умумий улаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	96
Қофияли соф нутқ машқи	97
«Л» товушига топишмоқлар	98
«Л» товуши иштирокида шеърлар	99
«Р» товушининг меъёрий талаффузи	100
«Р» товушининг нотугри талаффуз турлари	100
«Р» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	101
Меъёрдаги «Р» товушини бугинларда мустаҳкамлаш	102
Меъёрдаги «Р» товушини сузларда мустаҳкамлаш	103
Умумий улаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	110
Қофияли соф нутқ машқи	111
«Р» товушига топишмоқлар	112
«Р» товуши иштирокида шеърлар	114
«Л» — «Р» товушларининг дифференцияси	114
«Л» — «Р» товушларини бир бугинда талаффуз қилиниши	114
«Л» — «Р» товушларини бир сузда талаффуз қилиниши	115
Умумий улаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	116
Қофияли соф нутқ машқи	116
Тил орқа «К» ва «Г» товушлари	117
«К» товушининг меъёрий талаффузи	117
«К» товушининг нотугри талаффуз турлари	117
«К» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	118
Меъёрдаги «К» товушини бугинларда мустаҳкамлаш	119
Меъёрдаги «К» товушини сузларда мустаҳкамлаш	119
Умумий улаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	125
«К» товушига топишмоқлар	126
«К» товуши иштирокида тез айгиш	126
«К» товуши иштирокида шеърлар	126

«Г» товушининг меъёрий талаффузи	127
«Г» товушининг нотугри талаффуз турлари	128
«Г» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	128
Меъёрдаги «Г» товушини бугинларда мустаҳкамлаш	129
Меъёрдаги «Г» товушини сузларда мустаҳкамлаш	129
Умумий узлаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	132
Қофияли соф нутқ машқи	132
«Г» товушига топишмоқлар	133
«Г» товуши иштирокида тез айтиш	133
«Г» товуши иштирокида шеърлар	133
«К» — «Г» товушларининг дифференцияси	134
«К» — «Г» товушларини бир бугинда талаффуз қилиниши	134
«К» — «Г» товушларининг бир сузда талаффуз қилиниши	135
Чуқур тил орқа «Қ» ва «Ғ» товушлари	135
•Қ• товушининг меъёрий талаффузи	135
«Қ» товушининг нотугри талаффуз турлари	136
«Қ» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари	136
Меъёрдаги «Қ» товушини бугинларда мустаҳкамлаш	137
Меъёрдаги «Қ» товушини сузларда мустаҳкамлаш	137
Умумий узлаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	141
Қофияли соф нутқ машқи	142
«К» товушига топишмоқлар	142
«К» товуши иштирокида тез айтиш	144
«Қ» товуши иштирокида шеърлар	144
«Ғ» товушининг меъёрий талаффузи	144
«Ғ» товушини нотугри талаффуз турлари	145
«Ғ» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари	145
Меъёрдаги «Ғ» товушини бугинларда мустаҳкамлаш	145
Меъёрдаги «Ғ» товушини сузларда мустаҳкамлаш	146
Умумий узлаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	149
Қофияли соф нутқ машқи	149
«Ғ» товушига топишмоқлар	150
«Ғ» товуши иштирокида тез айтишлар	150
«Ғ» товуши иштирокида шеърлар	151
«Қ» — «Ғ» товушларининг дифференцияси	151
«Қ» — «Ғ» товушларини бир бугинда талаффуз қилиниши	151
«Қ» — «Ғ» товушларининг бир сузда талаффуз қилиниши	152
Умумий узлаштирилган сузларда тузилган жумла ва гаплар	152
Қофияли соф нутқ машқи	152

Zokirjon Admin bilan

+99891-328-88-38 nomerga murojaat qilishingiz jek567 izlab telegramga yozishingiz yoki shu nomerdagi telegram orqali bog'lanishingiz so'raladi.

Telegramda murojaatingizga o'z vaqtida javob beriladi

Логонедия меъёрий талаффузга ўргатилиш kitobini to'liq holda olish uchun telegramdan yozing.

Telegram kanalimiz:

@maktabgacha_tt

To'lov uchun: 9860230104973329

Plastik egasi Nabiyev Zokirjon



DIQQAT!!!

Sizga bu **OMONAT** qilib beriladi.
To'liq holda olganingizdan so'ng:
Faqat o'zingiz uchun foydalaning.
Hech kimga bermang hattoki eng yaqin insoningizga ham.
Internet orqali veb-saytlarga joylamang.

Kanal va gruppalarga tarqatmang.

OMONATGA

HIYONAT QILMANG.